

---

Ўзбекистон туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Имомназаровнинг МУРОЖААТИ  
**Ассалому алайкум, тумандошлар!**

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни **Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон** тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида 73 та маҳаллаларда жами **1460 та** микролойиҳалар (қиймати 47 млрд 751 млн.сўм) амалга оширишни режалаштирган эдик.

Амалда ўтган давр мобайнида **1 287 та** лойиҳалар (қиймати 34 млрд 517 млн.сўм) **(88 %)** ишга туширилди.

Шундан **сентябр** ойида **219 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда **265 та** лойиҳалар ишга туширилди **(121 %)**.

**“Зарбдор тажрибаси”** асосида **23 та** маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами **23 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **850 та**.

Амалда бугунги кун ҳолатига **13 та** лойиҳалар (қиймати 76,0 млрд.сўм) ишга туширилиб, **432 та** иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон туманида **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **10 та** маҳаллаларда “тепага ўсадиган” (вертикал) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами **150 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **1314 та**.

Топшириққа асосан **28 та** лойиҳалар шакллантирилди. Иш ўринлари сони - **917 та**. Амалда бугунги кун ҳолатига **21 та** лойиҳалар ишга туширилган. Иш ўринлари сони - **537 та**.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **“Уйчи тажрибаси”** асосида **июль-декабр (2-ярим йиллик)** ойлари мобайнида банк мижозлари билан **16 та** учрашувлар ўтказиш ва бунинг натижасида **1 367 та** иш ўринлари яратиш белгиланган. Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **12 та** учрашувлар ўтказилиб, **944 та** иш ўриналри яратилди **(69,1%)**.

Жумладан, **сентябр** ойида **2 та** учрашув ташкил этилиб, **410 та** иш ўринлари яратилди.

2024-09-23 19:49:14